



2016 у.г. «24» сентябрь № 2539-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Фуқаро Муллоева Зухро Бурхоновнага тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига айлантириш ҳақида

Тумандаги “Кўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Шўрбоича” маҳалласида яшовчи фуқаро Муллоева Зухро Бурхоновнага тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантириш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” марказига ёзган аризасини кўриб чиқиб, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2016 йил 21 сентябрдаги 10-сонли хулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонунининга 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Кўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Шўрбоича” маҳалласида яшовчи фуқаро Муллоева Зухро Бурхоновнага тегишли уй-жойини, мазкур қарорга илова қилинган кадастр ҳужжатларининг иш режасида чегаралари кўрсатилган 0007 литердаги 2-каватли омборхона: 1-каватдаги омборхона майдони 52,83 м.кв. ва зинапоя майдони 17,41 м.кв., 2-каватдаги 3 та омборхона майдони 74,93 м.кв. ва зинапоя майдони 11,44 м.кв.-дан иборат бўлган бино-иншоотлар турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантиришга руҳсат берилсин ҳамда умумий 156,61 м.кв. ер майдонидан нотурар жой тоифаси сифатида доимий фойдаланишга руҳсат берилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов), туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Мардонқулов), туман давлат солиқ инспекцияси (З.Зоҳидов), туман статистика бўлими (Ж.Зарипов) ҳамда тумандаги “Кўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини (М.Раҳмонов)ларга фуқаро Муллоева Зухро Бурхоновнага тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантирилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига маълумот такдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Муллоева Зухро Бурхоновна зиммасига: а) савдо дўконининг ташқи кўринишини архитектура лойиҳаси ҳамда талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Қадиров